ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 3 12

2019 йил «15» 04

Соғлиқни саклаш вазирлиги

107 - сонли буйруқ

2019 йил «25» апрелъ

ОИЛА ТИББИЁТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни саклаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни саклаш

Таълим йўналиши: 5510700 – Олий хамширалик иши

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг 20 19 йил "25" 04 даги "107 – сонли буйруғининг 2 -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдикланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиклаштирувчи кенгашининг 20 19 йил "15" 04 даги "1" – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиклаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОЎМТВнинг 2018 йил "7" 12 даги 10000-сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чикилди.

Тузувчилар:

Разикова И. С. - ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Аликулова Д. Я. – ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси катта ўкитувчи

Такризчилар:

Мухаммедхонова Ш. Т. – Тош ПТИ, Олий маълумотли ҳамшира факультети декани, доцент, т.ф.н.

Рустамова Ҳ. Е. – ТТА, Жамоат саломатлиги, соғликни саклашни ташкил этиш, бошкариш кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чикилган ва тавсия килинган (2019 йил "27 март" даги "8"-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Оила тиббиётида ҳамширалик иши фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши Малака талабларига асосланган ҳолда тузилган.

Ушбу дастур тиббиёт олий ўқув юртларининг олий маьлумотли ҳамширалар тайёрлаш факультетларининг 3 – курс талабаларига оила тиббиётида ҳамширалик иши фанидан таьлим бериш учун мўлжалланган. Оила тиббиётида ҳамширалик иши фанининг дастури асосида ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, оила ҳамшираси патронаж ҳамшираси иши бўйича талабани назарий билимларидан бошланғич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва ўзлаштирган кўникмаларини замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Оила тиббиётида ҳамширалик иши фани олий ҳамширалик иши таълим йўналиши ўқув режасининг клиник фанлар блокига оид бўлиб, 2 – курсда ўқитилади. Оила тиббиётида ҳамширалик иши фанини ОСКИ ва тест синовлари назорати билан якунланиши яхши самара беради.

Оила тиббиётида ҳамширалик иши фанини ўқитишда анатомия, клиник анатомия, физиология, микробиология, патология, клиник эпидемиология, инсоният тараққиёти, соғлиқ ва касаллик социологияси, жамоада ҳамширалик иши каби фанлар назарий замин бўлиб ҳизмат қилади.

Оила тиббиётида ҳамширалик иши фанининг ўзи эса, олий ҳамширалик иши таълим йўналишида ҳамширалик иши, жамоада ҳамширалик иши, геронтологияда ҳамширалик иши, педиатрияда ва неонатологияда хамширалик иши каби клиник фанларга замин бўлиб ҳизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан **мақсад** – оилавий тиббиёт ўзига хос академик йўналиш бўлиб, аҳолига бирламчи, узлуксиз ва ҳар томонлама ёрдамни амалга оширади. Оилавий тиббиёт ҳамширасининг асосий вазифаси аҳолига бирламчи тиббий – санитария ёрдами кўрсатишдир. Оилавий тиббиёт ҳамшираси ўз беморларини яхши билган ҳолда улардаги бошқа мутахассислар билмайдиган, аҳамият бермайдиган ўзгаришларни пайқаб оладилар. Шунинг учун ҳам бутун дунёда оила тиббиёти учун приоритет белгиланган. Оилавий тиббиёт – фақат бемор тўғрисида қайғуриб қолмасдан, балки унингбутуноиласи соғлиги тўғрисида ҳам ғамхўрлик қиладиган ягона соҳадир. Оилавий тиббиёт беморларга «туғулгундан то кексалик даврига қадар», шу жумладан оиланинг барча аьзоларига баравар тиббий, руҳий, ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Оила тиббиётида ҳамширалик иши ўқув фанининг **вазифаси** – бакалавр ҳамшираларга оилавий тиббиётнинг аввалги типдаги тиббий ёрдам кўрсатиш вариантларидан афзаллигини, асосий позицияларида

кўрсатиб беришдир. Жумладан оила шифокори, оила тиббиёт ҳамшираси соғлом турмуш тарзи стереотипларига йўналтирилган педагоглик ва шифокорлик саньатини ўзида мужассам қилиши, ўткир касалликларни даволашдан – сурункали касалликларнинг тўлиқ ремиссиясига эришишдан моддий ва маьнавий манфаатдор бўлган, оила соғлигининг ҳимоячилари эканликларини, ўзларига бириктирилган оила аьзоларининг янги касалликларини аниқлашда маслаҳатчиларга нисбатан яхши мутахассис бўлиб етишишда ёрдам беришдир.

Республикамиз Соғлиқни сақлаш тизимига оилавий тиббиётнинг кириб келиши позитив ҳолат бўлиб ҳисобланади. Чунки оилавий ҳамшира элнинг, ҳалқнинг, маҳалланинг урф – одатларини яхши билади. Оила тиббиётида ҳамширалик иши фани бакалавр ҳамшираларга тиббий ёрдамнинг узлуксизлигини, ҳар томонлама ёндошувни, муаммоларнинг бир бутунлигини, тиббий ёрдамнинг юқори сифатли бўлишини ўргатади.

Талаба:

- оила тиббиёти фанининг ривожланиш тарихини;
- Ўзбекистонда оила тиббиётининг ўрни ва истиқболларини;
- оила ҳамширасининг жамиятдаги ўрни;
- қишлоқ врачлик пунктлари, оила поликлиникаларининг структураси ва вазифалари;
- патронаж хизматига янгича қарашларни;
- уйда тиббий хизматни ташкиллаштиришни;
- репродуктив саломатлик, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш усулларини;
- эмлаш ишларини олиб бориш усуллари тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиши***;
- оилага ташриф буюриш қоидаси;
- тиббий хужжатларни юритиш қоидалари;
- амбулатор карта билан ишлаш;
- аҳоли ўртасида семинар тренинглар ташкил этиш;
- патронаж варақасини тўлдириш;
- обсервация қилиш;
- парвариш режасини тузиш;
- шошилинч хабарнома тўлдириш;
- уйга ташриф режасини тузиш;
- уйга ташрифнинг афзалликлари ва камчиликлари;
- патронаж хизматига янгича ёндошув;
- болаларни ҳимоя қилиш дастурига асосан режа ишлаб чиқиш;
- кекса ва қари ёшдаги беморларни ижтимоий ҳимояга мухтож ёлғиз инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш тадбирларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- патронаж сумкасини ҳозирлаш;
- артериал қон босимини ўлчаш;

- оила анамнезини тўплаш;
- оила саломатлигини баҳолаш;
- гўдаклар патронажини ўтказиш;
- оилада кекса ва қари ёшдаги беморга патронаж ўтказиш;
- антропометрик кўрсаткичларни аниқлаш;
- тиббий ҳужжатларни юритиш;
- тиббий кўрик ташкил этиш;
- дезинфекция ва стерилизация ишларига доир ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

III. Асосий назарий қисм

(маъруза машғулотлари)

1-Мавзу. Оила тиббиётининг ривожланиш тарихи. Оила ва никоҳ. Оила турлари. Жамиятда оиланинг ўрни. Ёш оила қурувчилар учун тиббий кўрикнинг аҳамияти.

Оила тиббиёти фани. Оила. Оила турлари. Никоҳ. Оиланинг жамиятда ўрни. Оила тиббиёти фанининг ривожланиш тарихини. Ўзбекистонда оила тиббиётининг ўрни ва истиқболларини. Ёш оила қурувчилар учун тиббий кўрикнинг аҳамияти.

2-мавзу. ҚВП ва оила поликлиникаларининг структуралари, иш принциплари. ҚВП ва оилавий поликлиникада тиббий ҳужжатларни юритишни йўлга қўйишда ҳамшираларнинг вазифаси.

ҚВП ва оила поликлиникаларининг структуралари, иш принциплари. ҚВП ва оилавий поликлиникада тиббий ҳужжатларни юритишни йўлга қўйишда ҳамшираларнинг вазифаси. Оила ҳамширасининг жамиятдаги ўрни

3-мавзу. Патронаж тиббий хизмати. Уйда тиббий хизмат кўрсатиш ва унинг ўзига хос принциплари. Оила тиббиёти ҳамширасининг уй шароитида беморларни парваришлаш қоидалари бўйича йўриқлар бериш услублари.

Патронаж тиббий хизмати. Уйда тиббий хизмат кўрсатиш ва унинг ўзига хос принциплари. Оила тиббиёти ҳамширасининг уй шароитида беморларни парваришлаш қоидалари бўйича йўриқлар бериш услублари. Патронаж хизматига янгича қарашларни

4-мавзу. Репродуктив саломатлик. Репродуктив саломатлик тамоиллари. Оила ҳамширасининг аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни тарғиб этиш принциплари. Контрацепцияни тарғиб этишда ҳамширалар роли.

Репродуктив саломатлик. Репродуктив саломатлик тамоиллари. Оила

ҳамширасининг аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни тарғиб этиш принциплари. Контрацепцияни тарғиб этишда ҳамширалар роли. Репродуктив саломатлик, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш усуллари

5-мавзу. Она сути. Гўдакларни парвариш қилишда она сутининг аҳамияти. Гўдакларни парвариш қилишнинг ўзига хослиги, болаларни овқатлантиришда қўшимча овқатларни киритиш ҳақида оналарга маслаҳатлар олиб боришда оила ҳамширасининг ўрни.

Она сути. Гўдакларни парвариш қилишда она сутининг аҳамияти. Гўдакларни парвариш қилишнинг ўзига хослиги, болаларни овқатлантиришда қўшимча овқатларни киритиш ҳақида оналарга маслаҳатлар олиб боришда оила ҳамширасининг ўрни. Болаларни ҳимоя қилиш дастури

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Оила ҳамширасининг оилани баҳолашдаги роли, оила ҳақида маълумот тўплаши ва маҳалла билан ҳамкорликда ишлаш принциплари.
2. ҚВП, ҚОП (қишлоқ оила поликлиникаси) ва оила поликлиникасида оила ҳамширасининг вазифалари.
3. Никоҳдан ўтаётган ёшларга оила поликлиникасининг роли ва тиббий кўрикни ташкил этишда ҳамширанинг вазифаси.
4. Уйда тиббий хизмат кўрсатиш ва парваришлаш бўйича кўрсатма беришда оила ҳамширасининг вазифалари.
5. Патронаж тиббий хизматидаги ислоҳотлар. Патронаж ҳамширасининг вазифалари.
6. Ҳомиладор аёлларни патронаж қилишда ҳамширалик ёндошуви.
7. Туққан аёлларни патронаж қилишда оила ҳамширасининг ёндошуви.
8. Янги туғилган чақалоқларни патронаж қилишда ҳамширалик ёндошуви.
9. Кекса ва қари ёшдаги беморларга патронаж хизматини кўрсатишда ҳамширалик ёндошуви.

10. Ижтимоий ҳимояга мухтож, ёлғиз ва ногирон инсонларга тиббий ёрдам кўрсатишда оила ҳамширасининг вазифаси.

11. Аҳоли орасида профилактик чора тадбирлар олиб боришда ҳамшираларнинг вазифалари. Профилактик чора тадбирлар режасини тузиш, унинг тахлили, амалга ошириш бўйича ҳамширалик ёндошуви.

12. Вакцинопрофилактика ўтказишда оила ҳамширасининг роли.

13. Ўсмирларга тиббий – ижтимоий ва руҳий ёндошувда оила ҳамширасининг вазифалари.

14. Репродуктив саломатликни тарғиб этишда оила ҳамширасининг роли.

15. Кўкрак сутининг гўдак ҳаёти учун аҳамияти.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда, замонавий ўқув модулларида, клиника ошхоналарида диет ҳамшира хонасида бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим.

Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Оила тиббиётида хамширалик иши фани бўйича амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Патронаж сумкасини ҳозирлаш.
2. Артериал қон босимини ўлчаш.
3. Оила анамнезини тўплаш.
4. Оила саломатлигини баҳолаш.
5. Гўдаклар патронажини ўтказиш.
6. Оилада кекса ва қари ёшдаги беморга патронаж ўтказиш.
7. Антропометрик кўрсаткичларни аниқлаш.
8. Тиббий ҳужжатларни юритиш.
9. Тиббий кўрик ташкил этиш.
10. Дезинфекция ва стерилизация.

V. Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Клиник машғулот учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Оила таркибини ижтимоий, оила муҳитини рухий ва оила саломатлигини тиббий баҳолашда оила ҳамширасининг маҳалла секторлари билан ҳамкорликдаги ёндошуви.
2. ҚВП, ҚОП ва оила поликлиникасининг регистратура хонаси иш хужжатлари билан ишлаш
3. Никохдан ўтаётган ёшларга тиббий кўрикни ташкил қилиш.
4. Уйга ташриф режасини ишлаб чиқиш ва уйга ташриф вақтида ҳамширанинг вазифалари.
5. Патронаж сумкасини патронаж учунҳозирлашва патронаж тиббийҳужжатлариниёритиш.
6. Ҳомиладор аёлларни назорат қилиш ва муаммоларини вақтида аниқлаш.
7. Чақалоқларни парвариш қилиш бўйича ёш оналарга маслаҳатлар бериш ва кўрсатмалар бериш.
8. Туққан аёллардаги физиологик ва патологик ўзгаришларни аниқлаш.
9. Оилада кекса ва қари ёшдагиларни муаммоларини аниқлашда ҳамширалик ёндошуви.
10. Ҳеч кими йўқ ёлғиз ва ногирон инсонларга тиббий ёрдам кўрсатишда оила ҳамширасининг маҳалла билан ишлашда ҳамширалик ёндошуви.
11. Аҳоли орасида профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқиш.
12. Оила поликлиникасида эмлаш хонаси ҳамширасининг иш хужжатлари ва

болани эмлашдаги иш жараёни билан танишиш.

13. Ўсмирларнинг муаммоларини эрта аниқлаш ва “тенгдош тенгдошга” дастури бўйича ишлашда оила ҳамширасининг ўрни.
14. Контрацепция ва унинг турларини аҳоли ўртасида тарғиб этишда

ҳамширалик ёндошуви.

15. Онанинг гўдакни кўкрак сути билан боқишида кузатиладиган қийинчиликлар, уларни бартараф қилишда қўлланиладиган усуллар.

Оила тиббиётида хамширалик иши клиник амалиётни оилавий поликлиникаларда, қишлоқ врачлик пунктларида ва ОТМларининг замонавий ҚВП ва педиатрик тиббий хизмат кўрсатиш бўйича мосланган ўқув модулларида, клиниканинг таркибидаги поликлиника маслаҳатхоналарида олиб бориш назарда тутилган.

Бунда талабалар асосий маъруза ва амалий машғулотларда олган билим ва кўникмаларини клиник машғулот орқали бойитадилар. Талабалар томонидан амбулатор карталар ва тиббий хужжатлар асосида намунаналар ёзиб борадилар.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Оила тиббиётида хамширалик иши фани бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот-ресурслари билан тўла таъминланган. Фан бўйича талаба мустақил иши шакллари қуйидагича белгиланган:

1. Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш.
2. Берилган мавзу бўйича ахборот тайёрлаш.
3. Илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш.
4. KEYS STADI ечиш.
5. График органайзерлар ишлаб чиқиш ва тўлдириш.
6. Кроссвордлар тузиш ва ечиш.
7. Вазиятли масалалар ечиш.
8. Берилган мавзу бўйича презинтация тайёрлаш.

Талаба мустақил иши аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

–Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

–Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган рўйхат асосида навбатчи шифокор-педагог назоратида стандартлаштирилган пациентлар (беморлар) курациясини ўтказиш ва олиб бориш, касаллик тарихини ёзиш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

– Бирламчи бўғин тиббий муассасаларида аҳоли орасида тўғри овқатланишни ташкил этиш бўйича тарғибот ишларида қатнашиш;

– Беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;

– Аҳоли орасида санитар оқартув ишларни сухбат ва маърузаларни ўтказиш;

– Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

–График органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;

–Кроссвордлар тузиш ва ечиш;

–Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустакил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

– Фанни фаол ўзлаштиришда талабаларни танловлар, кўргазма, анжуманлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбекистонга оилавий тиббиётнинг кириб келиши, ривожланиши ва оила тиббиётининг истиқболлари.
2. Ўзбекистонда ижтимоий – тиббий суғурта хизмати ва унинг иш принциплари.
3. Ўзбекистонда кекса ва қариларни, болаларни ҳимоя қилиш бўйича қонунлар устуворлиги.
4. Соғлом авлод дастурининг Ўзбекистонда жорий этилиши, мақсади, вазифаси ва ютуқлари.
5. Репродуктив саломатлик принциплари ва индекси.
6. Эмлаш календарига киритилмаган вакциналар. Вакциналарни сақлаш ва иньекция учун тайёрлаш.
7. Ўзбекистонда скрининг марказининг фаолияти ва ютуқлари.
8. Оила поликлиникаларда “оналар мактабини” ташкил қилиш
9. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш.
10. ОИТС касаллигини профилактикасида оила ҳамшираларининг ўрни.
11. Ўзбекистонда никоҳ ва никоҳ бўйича қарорлар ва уларнинг мақсади.
12. Оила ва оиланинг жамиятдаги мавқеи.
13. Ўзбекистонда патронаж тиббий хизматидаги истиқболлар.
14. Уй шароитида беморларни парваришлаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш.
15. Уй шароитида юқумли, шошилинч ҳолатларда оила ҳамширасининг роли ва тактикаси.
16. Репродуктив ёшдаги аёллар билан ишлашда оила ҳамширасининг вазифалари.
17. Кўкрак сутининг гўдак ҳаётидаги афзалликлари

Фан бўйича курс иши кўзда тутилмаган

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. И. Э. Шомансурова. “Оилавий тиббиётда ҳамширалик иши”. Дарслик- Тошкент. «Ёшлар матбуоти». 2008 й
2. Т. Ю.Умарова, И. А. Каюмова, М. К. Ибрагимова. “Ҳамширалик иши”. Дарслик - Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” . 2003 й.
3. Под редакцией Т. Ч.Чубакова, Э. Б. Фрике, В.Халики. «Основы сестринского дела в семейной медицине». Учебник– Бишкек. “Аль Салам” . 2003г.

Қўшимча адабиётлар

1. И. С.Разикова, Д. Я.Аликулова, М. Н. Бурханова. «Оилавий тиббиётда ҳамширалик иши». Услубий қўлланма - Тошкент. «ZUHRA BARAKA BIZNES» 2008 й.
2. А. Ф.Краснов. “Сестринское дело” . Учебник – Москва. “Самарский Дом печати”. 2000 г. (I и II том).
3. Р. М. Дорофеева. «Семейная медицинская сестра». Учебное пособие – Москва. “Самарский Дом печати”. 2002г.
4. И. С. Разикова, Д. Я. Аликулова. “Патронаж ҳамширасининг вазифалари”. Услубий қўлланма. - Тошкент. «ZUHRA BARAKA BIZNES» 2018 й
5. А. Г. Гадаев, Р. К.Салиходжаева, Ҳ. Ш. Рахмонов. “Ҳамширалар фаолиятида профилактика”. Амалий қўлланма - Тошкент. “Мухаррир” 2013 йил.
6. Э. Й. Қосимов. “Шифокорнинг нутк маданияти ва бемор билан мулоқот саньати”. Дарслик - Тошкент. «Ўзбекистон ».2002 й.

Интернет сайтлари:

www.tma.uz, www.ziyonet.uz, www.gynecologia.ru., www.sestra.ru, Lekmed.ru.